

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У Қ М

2022 йил декабрь ойининг 14 куни жиноят ишлари бўйича [REDACTED] туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг раиси [REDACTED] раислигида, [REDACTED] нинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси [REDACTED] туман прокурорининг ёрдамчилари [REDACTED], [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси [REDACTED], фуқаровий даъвогарлар [REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг иштирокида, [REDACTED] га нисбатан 1-1203-2201/87-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] ([REDACTED]) [REDACTED] йил [REDACTED] сентябрда [REDACTED] туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти [REDACTED], оилали, [REDACTED] нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, собиқ [REDACTED] [REDACTED] тумани, [REDACTED] МФЙ, [REDACTED] кўчаси, [REDACTED] уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосаси нусхасини 24.11.2022 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогарлар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш ҳужжатларини тафтиш қилиб, тарафларнинг музокара нутқи ва судланувчининг охириги сўзларини тинглаб, йиғилган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] 09.06.2018 йилдан [REDACTED] да бир (1) штат бирлигида, 12.03.2019 йилдан [REDACTED] да 0,5 штат бирлигида юристконсульт лавозимларида ишлаб келиб, такроран, давлат ташкилоти мансабдор шахслари билан бир гуруҳ бўлиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятлари туркумига кирувчи – айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг анча миқдордаги мулкини такроран ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш жиноятини қуйидаги вақт, усул ва ҳолатларда қасддан содир этган.

Хусусан, [REDACTED] 09.06.2018 йилдан [REDACTED] да бир (1) штат бирлигида, 12.03.2019 йилдан Сирдарё вилоят [REDACTED] да 0,5 штат бирлигида юристконсульт лавозимларида ишлаб келиб, [REDACTED] [REDACTED]

_____ бошлиғи _____ ва бошқарма кадрлар бўйича мутахассиси _____ лар билан бир гуруҳ бўлиб, давлат ҳамда нодавлат-тижорат ташкилотлари мансабдор шахси бўла туриб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1-боб, 7-банди талабига кўра ўриндошлик асосида ишлашда ўриндошлик асосида ишлашнинг давомийлиги ходимларнинг ушбу тоифаси учун белгиланган иш вақти нормасининг ярмидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслигини била туриб, ўзининг енгил йўллар билан, назорат қилинмайдиган бойлик орттириш ҳақидаги жиноий режасини амалга ошириш учун, ноқонуний даромад топишга қизиқиб, жиноий фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланган бюджет маблағларини ўзлаштиришни мақсад қилиб, 01.05.2019 йилда _____ га юрисконсулт вазифасига ўриндошлик асосида ишга қабул қилиш юзасидан мурожаат қилган ҳамда ғайриқонуний равишда ишга қабул қилинишга ва 01.05.2019 йилдан 05.09.2022 йилга қадар 38.242.500 сўмлик бюджет маблағларини иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар сифатида қўлга киритишга эришиб, шу миқдордаги бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари, _____ жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 09.06.2018 йилдан _____ да 1 штат бирлигида, 12.03.2019 йилдан Сирдарё вилоят _____ да 0,5 штат бирлигида ҳамда ноқонуний равишда 01.05.2019 йилдан _____ да 0,5 штат бирлигида юристконсулт лавозимларида ишлаб келиб, _____ бошлиғи _____ ва бошқарма кадрлар бўйича мутахассиси _____ лар билан бир гуруҳ бўлиб, давлат ҳамда нодавлат-тижорат ташкилотлари мансабдор шахси бўла туриб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1-боб, 7-банди талабига кўра ўриндошлик асосида ишлашда ўриндошлик асосида ишлашнинг давомийлиги ходимларнинг ушбу тоифаси учун белгиланган иш вақти нормасининг ярмидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслигини била туриб, такроран, бюджет маблағини ўзлаштириш мақсадида, 14.01.2022 йилда _____ да юрисконсулт вазифасига ўриндошлик асосида ишга қабул қилиш юзасидан мурожаат қилган ҳамда ғайриқонуний равишда ишга қабул қилинишга ва 14.01.2022 йилдан 31.08.2022 йилга қадар 9.224.700 сўмлик бюджет маблағларини иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар сифатида қўлга киритишга эришиб, шу миқдордаги бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган

Судланувчи [REDACTED] суд муҳокамасида айбига тўлиқ иқдор бўлиб, у 01.05.2019 йилдан то 05.09.2022 йилга қадар [REDACTED] да юристконсулт лавозимида ўриндош сифатида ишлаганини, шу каби 14.01.2022 йилдан бошлаб, [REDACTED] да юристконсулт лавозимида ишлаб келишини, ҳар икки жойда ҳам ҳақиқатдан ҳам ноқонуний равишда ишлаб келганини, сабаби ўзи бунга қадар [REDACTED] ни 09.06.2018 йилдаги 42-сонли буйруғига асосан 1 штат бирлигида юристконсулт лавозимига ишга қабул қилингани, шу билан бирга, Сирдарё вилоят [REDACTED] сига 12.03.2019 йилдаги 26-сон буйруққа асосан 0.5 ставкада юристконсулт лавозимига ишга қабул қилинган бўлганини, бироқ ўша вақтларда ойлик иш ҳақи миқдори оилавий харажатлари учун камлик қилганлиги сабабли, кўпроқ даромад олишни истаганлиги учун, гарчанд ноқонуний бўлсада, кўшимча равишда яна бошқа иш топиб, ишга киришга қарор қилганини, ўзи ушбу ҳаракатлари ноқонунийлигини ўша вақтда билганини, у қонунда белгиланган 1,5 иш ставкасидан ошиқча равишда ишлаб, кўпроқ иш ҳақи олишни режалаштириб, дастлаб [REDACTED] да юристконсулт лавозимида ўриндош сифатида ишга қабул қилиш юзасидан ариза билан мурожаат қилганини, ўша вақтда ҳақиқатдан ҳам бошқармани кадрлар бўйича мутахассиси [REDACTED] га фақатгина Қўйи Сирдарё [REDACTED] да юристконсулт лавозимига ишлаши, бошқа жойда ишламаслиги ҳақида айтганини, худди шу тарзда [REDACTED] га мурожаат қилиб ишга қабул қилинганини, ўша вақтда ўзи тегишли бошқармаларга шахсига ва меҳнат фаолиятига оид ҳужжатларни тақдим қилган вақтида меҳнат дафтарчаси асосий иш жойида эканлигини айтганлиги ва кўчирма нусхасини ҳам тақдим қилмаганини, шундан сўнг ишга қабул қилингани ва даврий равишда ойлик иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган тўловларни олиб келганини, ҳеч ким ўзига берилаётган иш ҳақи маблағларининг ноқонуний эканлигини билмаганини, ўзи ҳам олдиндан ёки ишга қабул қилинганидан сўнг бу ҳақда бошқарма бошлиқлари, ҳисобчилари ёки бошқаларга айтмаганлигини, сабаби агар улар ушбу ҳолатдан хабардор бўлишса, ўзини ишдан бўшатиб юборишлари мумкин бўлганини, ўзи агар мабодо келажақда бирор текшириш жараёнида ушбу ҳолат аниқланиб қолса, ўз ихтиёри билан ноқонуний равишда олган иш ҳақи маблағларини қайтаришни режалаштирганини, ҳақиқатдан ҳам, жорий йилда Сирдарё вилоят [REDACTED] ходими [REDACTED] томонидан [REDACTED] да 01.04.2021 йилдан 01.07.2022 йилгача бўлган даврда бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши аҳволи текширилганлигини, текширишда бир қатор ходимларга иш ҳақлари нотўғри ҳисоблангани ва тўлаб берилгани аниқланганлигини, шу билан бирга, ўзи томонидан содир этилган ноқонуний ишлар, яъни Вазирлар Маҳкамасининг 18.10.2012 йилдаги 297-

сон Қарорига асосан тасдиқланган “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1-боб 7-бандига зид ҳолда ўзига юристконсулт лавозимида ўриндош сифатида ишлаган даврлари, яъни [REDACTED] даги фаолияти бўйича 2019 йил май ойидан 2022 йил сентябрь ойигача бўлган давр учун жами 38.242,5 минг сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўлов ошиқча тўлангани ва [REDACTED] даги фаолияти бўйича 2022 йил 1 январдан 2022 йил 1 сентябргача бўлган давр учун 9.224,7 минг сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ошиқча тўланганлиги аниқланганини, ҳозирда етказилган моддий зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, унга нисбатан адолатли қарор чиқаришни сўраб кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар [REDACTED] ўғли суд муҳокамасида [REDACTED] томонидан [REDACTED] да 01.04.2019 йилдан 01.07.2022 йилга қадар бўлган даврда бюджетдан ажратилган маблағларни мақсадли сарфланиши юзасидан молиявий назорат тадбирида ишчи ходимларга иш ҳақларининг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши аҳволи текширилганда, 0,5 ставка юристконсулт лавозимида ишлаган [REDACTED] га 9.224,7 минг сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ошиқча тўланганлиги аниқланганини, [REDACTED] бошқармага 0,5 ставкада бош юристконсулт лавозимига ишга қабул қилинганини, ўша вақтда унинг ноқонуний равишда ишга қабул қилинганини билмаганликларини, ўзи, ҳисобчи [REDACTED], бошқарма бошлиғи ёхуд бошқалар мазкур пул маблағлардан ҳеч қандай манфаатдор бўлмаганликларини, етказилган зарар ўз ишларига эътиборсизлик қилганларининг оқибатида келиб чиққанини, ҳозирги кунда етказилган зарар бартараф қилинганини айтиб кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар [REDACTED] суд муҳокамасида ўтказилган текширишда бошқарма юристконсулти [REDACTED] 09.07.2018 йилдан [REDACTED] да 1 штат жадвали бирлигида ва 12.03.2019 йилдан Сирдарё вилоят [REDACTED] сида 0,5 штат жадвали бирлигида юристконсулт лавозимида ишлаб келган бўлсада, Вазирлар Маҳкамасининг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1-боб, 7-бандига зид равишда, 01.05.2019 йилдан [REDACTED] га юристконсулт вазифасига ишга қабул қилингандан сўнг текшириш даврига қадар жами 38 млн. 242 минг 500 сўмлик бюджет маблағларини иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўлов сифатида асоссиз тўлаб келганликлари аниқланганини, ушбу ҳолатда [REDACTED] улардан ўзининг бошқа жойларда ҳам ишлаб, бюджет ҳисобидан ойлик иш ҳақи олиб келишини яшириб келганини, ўзи мутахассис сифатида шасхан бир ходим жами 1,5 иш ставкасидан ортиқ ишлашининг ноқонунийлигини билишини, бироқ бу ҳолатда [REDACTED]

ўзининг жами 4 та жойда 2,5 ставкада юристконсулт лавозимида ишлаётганлигини ва унга 4 та жойда ҳам бюджет маблағи ҳисобидан иш ҳақи тўланаётганлигини яширганини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ [] суд муҳокамасида Сирдарё вилоят [] ходими [] томонидан [] да 01.04.2021 йилдан 01.07.2022 йилгача бўлган даврларда бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши аҳволи текширилганида бошқарма юристконсулти [] 09.07.2018 йилдан [] да 1 штат жадвали бирлигида ва 12.03.2019 йилдан Сирдарё вилоят [] сида 0,5 штат жадвали бирлигида юристконсулт лавозимида ишлаб келиб, унга жами 38 млн. 242 минг 500 сўмлик бюджет маблағларини иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўлов сифатида асоссиз тўлаб келганликлари аниқланганини, ушбу ҳолатда [] ўзининг бошқа жойларда ҳам ишлаб, бюджет ҳисобидан ойлик иш ҳақи олиб келаётганлигини яшириб келганини, ўзи раҳбар сифатида шахсан бир ходим жами 1,5 иш ставкасидан ортиқ ишлаши ноқонунийлигини билишини, бироқ бу ҳолатда [] ўзининг жами 4 та жойда, 2,5 ставкада юристконсулт лавозимида ишлаётганлигини ва унга 4 та жойдан ҳам бюджет маблағи ҳисобидан иш ҳақи тўланаётганлигини ўзларидан яширганлигини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ [] суд муҳокамасида текширишда бошқарма юристконсулти [] 09.07.2018 йилдан [] да 1 штат жадвали бирлигида ва 12.03.2019 йилдан Сирдарё вилоят [] сида 0,5 штат жадвали бирлигида юристконсулт лавозимида ишлаб келган бўлсада, Вазирлар Маҳкамасини 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1-боб, 7-бандига зид равишда, 01.05.2019 йилдан [] га юристконсулт вазифасига ишга қабул қилингандан сўнг текшириш даврига қадар жами 38 млн. 242 минг 500 сўмлик бюджет маблағларини иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўлов сифатида асоссиз тўлаб келганликлари аниқланганини, ушбу ҳолатда [] ўзининг бошқа жойларда ҳам ишлаб, бюджет ҳисобидан ойлик иш ҳақи олиб келаётганлигини улардан яширганлигини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ [] суд муҳокамасида у, 01.11.2020 йилдан то ҳозирги кунга қадар [] бошлиғи лавозимида ишлаб келишини, 01.04.2019 йилдан 01.07.2022 йилга қадар бўлган даврда бюджет маблағларини мақсадли ишлатиши бўйча назорат тадбири ўтказилгани, тадбирда Вазирлар Маҳкамасини 18.10.2012 йилдаги 297-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1-боби талабига зид ҳолда 0,5 ставка юристконсулт лавозимида ишлаган []

█ га 10.603,1 минг сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобланиб, шундан мажбурий ушламаларга 1.378,4 минг сўм ушлангач, 9.224,7 минг сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ошиқча тўланганлиги аниқланганини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ █ суд муҳокамасида у █ да кадрлар бўйича инспектор лавозимида ишлашлигини, █ томонидан █ да 01.04.2019 йилдан 01.07.2022 йилга қадар бўлган даврда бюджетдан ажратилган маблағларни мақсадли сарфланиши юзасидан молиявий назорат тадбирида ишчи ходимларга иш ҳақларининг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши аҳволи текширилганда, 0,5 ставка юристконсулт лавозимида ишлаган █ га 9.224,7 минг сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ошиқча тўланганлиги аниқланганини, █ ўзининг бошқа жойларда ҳам ишлаб, бюджет ҳисобидан ойлик иш ҳақи олиб келаётганлигини улардан яширганлигини айтиб кўрсатув берди.

Суд мажлисига узрли сабабларга кўра келмаган гувоҳлар █, █, █ ва █ нинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари суд мажлисида тарафларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилганида судланувчи █ уларни кўрсатмаларини тасдиқлади.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, адвокатнинг фикрини, судланувчи, фуқаровий даъвогарлар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, судланувчи █ нинг жиноят содир этганликдаги айби унинг ўз айбига иқрорлик кўрсатмаларидан ташқари қуйидагилар,

-Сирдарё вилоят Давлат молиявий назорат бошқармасининг █ нинг 2021 йил 1 апрелдан 2022 йил 1 июлгача бўлган даврларда бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши юзасидан ўтказилган назорат тадбири натижаларига тузилган хулосасида шу бошқарма юристи █ га жами 38.242,5 минг сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ошиқча тўланганлиги аниқланганлиги билан ((1-жилд и.в.4-6);

-Сирдарё вилоят Давлат молиявий назорат бошқармасининг Сирдарё вилоят █ ИТБнинг 2019 йил 1 апрелдан 2022 йил 1 июлгача бўлган даврларда бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши юзасидан ўтказилган назорат тадбири натижаларига тузилган хулосасида шу бошқарма юристи █ га жами 9.224,7 минг сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ошиқча тўланганлиги аниқланганлиги билан ((1-жилд и.в.16-20);

-Сирдарё вилояти Бандлик бош бошқармасининг Сирдарё вилоят █ хуқуқшуноси █ нинг меҳнат фаолияти юзасидан ўтказилган ўрганиш маълумотномасида █ нинг █ █

нинг штатлар жадвалида тасдиқланган 0,5 штат бирлигидаги ҳамда ИТБдаги 0,5 ставка жами 1,0 ставка юристконсулт лавозимидаги меҳнат фаолиятлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарорининг “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1-боб 7-бандига зид равишда олиб борилганлиги маълум бўлганлиги аниқланганлиги билан (1-жилд и.в.41-42);

- нинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлар нусхалари билан (1-жилд и.в.43-181);

- томонидан етказилган моддий зарарларни қоплаш учун 15.09.2022, 16.09.2022 ва 14.12.2022 йил саналари билан Сирдарё вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига жами 47.467.200 сўм топширилганлиги ҳақидаги Сирдарё вилоят филиалинининг тўлов квитанциялари билан (1-жилд и.в.185-187);

- ни 31.10.2022 йил санаси билан айбланувчи тариқасидаги сўроқ баённомасида уни ўз айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатмалари билан (2-жилд и.в.192-196) ва жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, жиноят иши бўйича йиғилган барча далилларга баҳо берар экан, ушбу далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқлайди деб ҳисоблаб, ишга алоқадор деб эътироф этди. Шунингдек, суд ушбу далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва ЖПКнинг 88, 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги учун мақбул деб, текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланганлиги учун ишончли далиллар деб ҳисоблади.

Суд, судланувчи томонидан содир этилган жиноятнинг юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, яъни айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг анча миқдордаги мулкани такроран бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, мансаб мавқеини суистеъмол қилиш йўли билан ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишда ифодаланган жинойий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи нинг ҳаракатларида жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган моддий зарарларни қоплаш чораларини кўрганлигини, муқаддам судланмаганлигини, қарамоғида нафар фарзандлари борлигини топгани ҳолда, унинг ҳаракатларида жавобгарлигини оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 2-бандига кўра, “Судларга тушунтирилсинки, Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлик принципи ҳар доим ҳам жазо қўлланилиши шартлигини англатмайди. Шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖК 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозим” деб кўрсатилган.

Суд, судланувчи [REDACTED] га жазо тури ва миқдорини танлашда Ўзбекистон Республикаси ЖК 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларига амал қилиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини ҳамда уни тўлиқ қоплаш чоралари кўрилганлигини, айбдорнинг шахсини, яъни муқаддам судланмаганлигини, қарамоғида [REDACTED] нафар фарзандлари борлигини, жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, шунингдек иш судда кўрилаётган вақтгача [REDACTED] ижтимоий хавфлиликни йўқотди деб эътироф этиб, судланувчи [REDACTED] га нисбатан юритилган жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖК 70-моддаси талабларидан келиб чиқиб, унга нисбатан ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандлари билан юритилган шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддаси 3-қисмининг 3-бандига асосан жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқаришни ва Ўзбекистон Республикаси ЖК 70-моддасига асосан жазодан озод қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] томонидан етказилган жами зарар миқдори 47.767.200 сўмни ташкил қилади деб техник хатоликка йўл қўйган. Чунки [REDACTED] томонидан [REDACTED] га етказилган жами моддий зарар 38.242.500 сўмни, [REDACTED] га етказилган жами зарар 9.224.700 сўмни ташкил этгани ҳолда, ушбу суммаларни бирга қўшганда 47.467.200 сўмни ташкил қилади. Шу сабабли суд [REDACTED] томонидан етказилган жами моддий зарар миқдори 47.467.200 сўм деб ҳисоблайди.

Суд, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг, [REDACTED] томонидан етказилган моддий зарарларни қоплаш учун Сирдарё вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган жами 47.467.200 (қирқ етти миллион тўрт юз олти миш етти минг икки юз) сўмни

Сирдарё вилоят Молия бошқармаси ҳисоб рақамига ўтказишликни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандларида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг га нисбатан қўлланган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг, томонидан етказилган Сирдарё вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган жами 47.467.200 (қирқ етти миллион тўрт юз олтмиш етти минг икки юз) Сирдарё вилоят Молия бошқармасининг ҳисоб рақамига ўтказилсин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилинган кундан сўнг 20 сутка муддат ичида, судланган шахс, жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида шу суд орқали Сирдарё вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига апелляция шикояти ёки апелляция протести келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи:-

Аслига тўғри: